

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 64 (5157),

30
МАРТ
ШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ҚЎШИМЧА 160 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин тўйини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олган қозғалди. Корхона ишчи-хизматчилари белгилончи йилнинг биринчи кварталда қўшимча ҳаммаси бўлиб 160 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, аҳолига 55 тонна қолбаса маҳсулотларни, 200 тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларни етказиб беришга қарор қилдилар.

Корхонада материаллар ва хомашини тежаб-тергаб сарфлашга катта эътибор берилмоқда. Ҳар бир участка ва смена тежамкорлик режимида

қатъий амал қиломқда. Бу эса яхши самара беришти. Шу туғайли ҳам йил бошидан буюн 60 минг сўмликдан қўпроқ хомашё ва материал иқтисод қилиниди ҳамда буниг эвазига қўшимча ўнлаб тонна маҳсулот тайёрланди.

Ишчи-хизматчилар СССР Олий Советига бўладиган сайловлар кўннини муносиб ишонли режаларини ҳам тузишти. Улар ярим йиллик планни маҳсулот реализацияси ҳамини бўйича анча бариққат бажариш ва қўшимча 330 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олдиди.

ЧИГИТНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЭКАМИЗ

Механизаторларимиз баҳор қўйиш чакнаши билан далага отландилар. Экин майдонларига маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зоғуларни тартибга келтириш ишлари ушшоққис билан ўтказилди. Шу кунгача далага 6 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит чиқарилди. Барча экин майдонлари текисла-ниб, экинга шай қилиб қўйилди.

Бугунги кунда деҳқонларимиз яхши ният билан ерга барака уруғи қадамоқдалар. Чигитни қулай агротехника муддатларида тез ва сифатли экин ҳаракатида. Деҳқонлар, механизатор ва мутахассисларимизнинг олдиди турган бугунги муҳим вазифалардан бири яхши ишланган ерга ўз вақтида чигит экин олиштириш. Ҳар бир кун, дақиқадан унумли фойдаланиш, ўзaro социалистик мусобақаи тўғри йўлга қўйиш муваффақиятлар гаровидир.


Бу йилги баҳор деҳқонларимиз учун тикилиш келди. Қўйи бирдан қизиб тувроқ бағрида нам кўтарилиб кетди. Пахтакорлар шунинг ҳисобга олиб чигитни қисқа муддатларда экин олмоқчилар. Д. Каримов бошлиқ бригада бу йил 82 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 уринга 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган. Ўтган йили бригада аъзолари ҳар гектар майдондан 35 центнердан ошириб ҳосил кўтарган эдилар. Улар чигитни қисқа муддатда — 6—7 иш кунинда экинб, таъинлашга аҳд қилишган.

Тоғли Азизов бошлиқ бригада пахтакорлари — қирқцентнерчилар ҳаракатининг ташаббусдорларидан бири. Улар амалга ошираётган барчаи қувонтирмоқда. Ғани Одилов, Ғулом Нematов, Мустафо Музаффаров бошлиқ бригада даладарига ҳам чигит экинш намунали олиб боришмоқда.

Колхозимиз пахтакорлари бу йил экинмаларига улкан шажбурият олишган. Улар ҳосилдорликни 7—8 центнердан ошириб учун бел болаганлар. Ана шу юксак мажбурият асосида иш юритаётган азаматлар дала ишларини тобора кучайтирмоқдалар. 22 сентябрда ҳар кун юзлаб гектар майдонга барака уруғи қадамоқда.

Колхознинг Ғани Одилов бошлиқ бригада деҳқонлари чигитни тез ва сифатли экиншга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳозир бригада даладарига ишлаётган чигит экинш агрегатлари ҳар кун 10—15 гектар майдонга барака уруғи қадамоқда. Суратларда: (ўнгда) бригада бошлиғи Ғ. Одилов ва механизатор Т. Даминнов. (Чапда) чигит экинш пайти.

Н. Тўраев фотолари.



Хўжалигимизда илгор фан йутуқлари асосида иш юритишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чигитнинг бир текис униб чиқишини таъминлаш, ғўзанинг ривожини тезлаштириш мақсадида янги прогрессив методлар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Бу йил барча майдонларга чигит гербицид билан экинлади. Чигит билан бир вақтда ҳар гектар ерга 100 килограммга етказиб минерал ўғит солинди. Бу йилдан бошлаб 700 гектарда кенг қаторлаб чигит эка-

ва унумли фойдаланиш керак. Бу соҳада ҳам илгорлар тажрибаси кенг қўлланилмоқда. Тулик гектарлар учун кураш ҳозирдан бошлангани зарур. Шунинг учун ҳам бу йил биз эски завоулардан фойдаланмасликка қарор қилдик. Шунингдек карта уювларини экин майдонларига қўйиш, ўқариклар сочини қамайтириш ҳисобига қаргиларни кенгайтирмоқдамиз.

Олдинги йилларда хўжалигимизда ўғитдан фойдаланиш анча ёмон аҳволда эди. Баъзи бригада ва звеноларда минерал ўғитлар билан пала-партиш фойдаланиш, уни ероф қилиш ҳоллари юз берар-

ди. Шунинг учун ҳам пахта таънарих арзонлашмади. Бу йил ўғитдан тўғри фойдаланиш тадбирини белгилаб қўйдик. Баъзи ортиқча штатларни қисқарттидик. Шулар ҳисобига хўжалигимизда 34 мингта яқин маблаг тежаб қилинди.

Деҳқонларимиз чигит экинши 7—8 иш кунинда тугаллашга, де-йишмоқда. Шу кунгача мактаб-хори, беда экин бўлди. Пилла-курти боқин мавсумига ҳар томонлама пухта ҳозирлик қилинмоқда. Тўздорларга ишлов бериш билан бирга янги қўчатлар ҳам экинмоқда. Хўжалигимиз ишла-



чилари бу йил далагга 16 тоннадан ортиқ сифатли «қумуш тола» етказиб беришга аҳд қилинди.

Ўзбекистон ССР ва Узоқпартиянинг 50 йиллик тўйини катта меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишга ҳаракат қилаётган деҳқонларимиз дала ишларини ҳозирдан пухта ташкил этмоқдалар. Ҳар бир пахтакор, механизатор ва қишлоқ хўжалик ходими бугун куч-гайратларини мўл ҳосил етиштиришга қаратмоқда.

З. ИСОҚОВ,
Бўна райониди, «Ленин йу-
ли» колхозининг раиси.

ИЛГОР БРИГАДА

«Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Ҳурмат белгиси орден ишондорни Хўжа Наси-ров бошчилигидаги бригада коллективи ўтган йили туруст натижаларини қўлга киритди. 80 гектар майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Бригада аъзолари белгилончи йилда 50 центнерчилар ҳаракатга қўшилиб, серкуёш ўлкамизнинг олтин тўйига ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олиш билан совға тайёрлаш иштиёрида меҳнат қилишмоқда.

Бригаданинг М. Қорабоев, С. Сайлов, О. Жаборова, Меҳнат Қазил Байроқ ордени ишондорни У. Муродова каби аъзолари дала ишларида бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Бригада механизатори Т. Абдураҳмонов ўз агрегатини мавсумга шай қилиб қўйди.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
Бўна району.

МОҲИР ЧЎПОН

Бекобод райониди Фрунзе номли колхозда Сиддик Абдуллаевнинг номини қўйиладиган хўрмат билан тилга олади. У бунга меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, ташаббускорлиги ва ўз касбини эъозлашган орқали эришди. Мава ўн беш йилдирки, у колхозда чўпонлик қилади.

Сиддик ака бошчилик қилаётган коллектив аъзолари шу кунга қадар 200 та яқин соғлом кўн олади. Улар ҳар 100 бош соғилдан 110 тадан қўн олиш ниятида меҳнат қиломқдалар.

Б. АБДУЛЛАЕВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ЎЗБЕКИСТОН ССР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА НОМЗОД- ЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Республикада СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Ўзбекистон ССР сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда. Меҳнаткашларнинг коллективлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг жамаиятлари ҳаммаини ҳурматига сазовор бўлган кишиларни бу комиссияга ўз вакиллари қилиб кўрсатишмоқда.

Ўзбекистон касаба Союзлари республика Советининг Президиуми Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи республика сайлов комиссияси составига номзод кўрсатиш масаласини қараб чиқди.

Ўзбекистон касаба Союз республика Советининг секретари Н. М. Махмудовани комиссия составига номзод этиб белгилашга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССР Армия, Авиация ва Флотга қўмаклашувчи кўнгилли жамаияти Марказий Комитетидан Ўзбекистон ССР ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси А. М. Хожинбоев сайлов комиссияси составига кўрсатилди.

Йиғнахоблаш Бахмал райониди «Партия XXIII съезди» совхозининг ишчиси комсомол қиз Г. Алимова шу совхозда бўлиб ўтган йилгида комиссия составига тавсия этилди.

Давлат муассасалари ходимлари касаба союз Ибоскан район комитетининг президиуми сайлов комиссияси составига Ибоскан район ижроия комитетининг раиси А. К. Комиловни кўрсатди.

Медицина ходимлари касаба союз Фаргона область комитети Президиумининг кенгайтирилган мажлисида республика сайлов комиссияси составига Фаргона тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмининг врач партияси Г. И. Киреева ақидилик билан тавсия этилди.

Миразчул район партия комитетининг биринчи секретари С. Керимов Миразчул район коммунистик ташкилотидан СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Ўзбекистон ССР сайлов комиссияси составига кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА БЕДА ВА САБЗАВОТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 29 МАРТГАЧА БЎЛГАН

МА Ў Л У М О Т

Биринчи устун—беда экин гектар ҳисобида, иккинчи устун—тошпирққа нисбатан процент ҳисобида, учинчи устун—сабзавот экин гектар ҳисобида, тўртинчи устун—тошпирққа нисбатан процент ҳисобида

Қуйи Чирчиқ	1309	148,0	63	69,7
Оққўрғон	1036	101,1	88	78,5
Бўна	1193	100,0	46	61,6
Калинин	1088	100,0	2873	89,8
Орқоникидзе	589	100,0	2354	86,7
Чиноз	1364	92,1	87	98,9
Янгийўл	1062	91,5	421	63,1
Бекобод	1550	89,8	178	64,4
Юкори Чирчиқ	1405	74,2	105	45,1
Охангарон	1234	67,5	585	84,1
Ўрта Чирчиқ	723	65,3	93	80,0
Бўстонлиқ	676	62,5	681	68,5
Пискент	572	59,8	85	90,0

Область буйича 13792 83,9 7659 81,6

БИНОКОРЛАР—ЮБИЛЕЙГА

Меҳнат Қизил Байроқ ордени 153-қўрилмиш трестини ойнакорлари республика юбилейига қатор объектларни ниға тушириб, шаҳар ҳуснига яна ҳуси қўшадилар. Трестга қарашли 22-қўрилмиш бошқармаси бу йил Шредер номли узумчилик, виночилик ва бодзорчилик илмий-техник институти учун 40 уринли меҳмонхона, ҳў мевалар сақланадиган омборхона қуриб беради.

Юнусовда массивида эса бошқарма қурувчиларнинг қўли билан 48 квартиралар ту-

рар-жой бунёд этилмоқда. Қўли 153-қўрилмиш трестини ойнакорлари ҳар уччала объектни юбилейгача фойдаланишга топшириб, қўшимча 200 минг сумлик қурилиш-монтаж ишлари бажаришга бел болаганлар.

9-қўрилмиш бошқармаси бинакорлари яқиндагина алоқачилар учун тўрт қаватли бинони муддатидан бир ой олдин ишга туширгандилар. Энди яна бир бино қуришмоқда. 10-бошқарма коллективи эса марказда иккинчи тўрт қаватли тузар-жой биносини тез суръатлар билан қуришмоқда.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзбекистон Журналистлар Союзи Тошкент ташкилотининг IV конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда республика, область, район, кўптарражли газеталар ҳамда журналлар, радио ва телевидение, наприёт, ахборот хизмати ходимлари, пойтахт област жамоатчилигининг вакиллари иштирок этдилар.

Тошкент журналистлар ташкилоти — республика журналистлар союзидаги энг йирик ташкилотдир. Унинг ҳисобига 1300 дан ортиқ қаламшак, 56 та бошлангич таҳсилот бор.

Тошкент журналистлар ташкилоти правленсининг ҳисобот даяридаги иш ҳақида унинг раиси, «Тошкент ҳақиқати» газетаси редактори А. Исмомов доклад қилди.

Докладчи Тошкент шаҳри ва пойтахт област журналистларининг умумхалқ социалистик мусобақасини ривожлантириш, оммавий меҳнат ва сиёсий антигиларни оширишга қўшаётган ҳиссалари, район, шаҳар кўптарражли газеталарининг ишлари яхши йўлга қўйиш борасидаги кўрсатилган ёрдамлари, ишчи-деҳқон мухбирлари университетлари ва мактабларида ўқувининг ташкил этилиши соҳасидаги ишларини алоҳида қайд қилиди.

Доклада бошлангич журналистлар ташкилотларининг ишига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Докладчи ташкилий-ижодий ишлар, матбуот ходимлари ҳамда кўптарражли «Химик» кўптарражли газетасининг профессионал ўқувининг ташкил этилиши, СССР журналистлар сафини ўстириш соҳасидаги ишларининг аҳолининг афрощига таҳлил этди. Правление ишидаги камчиликларни ҳам қайд қилиб ўтди.

Конференция қатнашчилари, шунингдек, ревизия комиссиясининг ҳисоботини ҳам эшитдилар. Бу ҳақда ревизия комиссияси раиси, Ўзбекистон радиоси сўнги ахборот редакциясининг бош редактори Ш. Қосимов доклад қилди.

Правление ва ревизия комиссиясининг ҳисоботи юзасидан «Охангарон» район газетасининг редактори А. Аъзамов, Чирчиқ «Химик» кўптарражли газетасининг редактори В. Попов, «Фрунзе» газетаси бўлим бошлиғи Н. Черевач ўртоқлар сўзга чиқиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Конференция қатнашчилари Янгийўл райониди «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Нematов, Тошкент тўқимачилик комбинати 2-фабрикаси тикувчиси А. Верзалия, «Вечерний Тошкент» газетаси бўлим мудир В. Г. Чеботин, Пискент райониди қишлоқ мухбири Э. Ҳабалиев ўртоқларнинг сўзларини «Эътибор билан тинглайдилар. Улар матбуот саҳифаларида қатнашиб туриш, ўзла-

рининг меҳнат унумдорликларини ошириб маънавий дунёқарадиларини шакллантиришга ёрдам бераётганини, бундан катта маънавий қўшимча олаётганлигини сўзла-дилар.

Конференцияда Ўзбекистон журналистлар союзи раиси З. И. Есенбоев сўзга чиқди.

Конференцияда қабул қилинган резолюцияда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигига таъйиғарлик муносабати билан пойтахт област журналистлари олдиди турган вазифалар белгилан олинди.

Конференция Ўзбекистон журналистлар союзи Тошкент ташкилоти правленсини ва ревизия комиссиясини сайлади.

Конференция ишида Тошкент област партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Р. А. Сафаров, касаба союзи Тошкент област Советининг раиси А. В. Брайлов, Тошкент област партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудир Ш. Н. Тошмулатов ўртоқлар иштирок этдилар.

Правленсининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида Ўзбекистон журналистлар союзи Тошкент ташкилотининг бюроси сайланди. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори А. Исмомов бюро раиси, С. А. Замостянова бюро секретари қилиб сайланди.

номли совхозда ҳам катта ҳаёимдаги ирригация шабоҳчаларини тартибга келтириш ишлари битказилмаган. Натияжада совхозда шонли экин кечики кетиш ҳавфи тутилмоқда. Айрим колхозларда эса чигит экиншга ер тайёрлаш жуда суст олиб боришмоқда.

Хўласа район хўжалиқларида шу каби камчиликлар, етишмовчиликлар анчагина. Район раҳбарлари ва мутахассислари ана шу камчиликларни тезда тутатиш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширишлари лозим.

БУТУНИТТИФОК КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

УМУМХАЛҚ ХАШАРИ АРАФАСИДА

Мамлакатимизнинг барча корхона, ташкилот ва муассасалари ишчи-хизматчилари ка-

би Тошкентдаги каноп фабрикаси коллективи 20 апрелда ўз меҳнат постларида бўлишга қарор қилди. Меҳнатсеварлар шу кун ҳар қачонгидан ҳам баракадан ишлайдилар, тежажлан хомашёлар ҳисобига қўлаб маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

— Қизил шанбаликда 67 минг сўмдан ортиқ турли хил маҳсулотлар тайёрланади, — дейди фабрика директори ўртоқ Р. Икромов. Шанбаликдан тушган жамғаримнинг 3,8 минг сўми бешйиллик фондига ўтказилади.

ТўНТЕПА. (Ўз мухбиримиздан).

Ўртачирчиқлик пахтакорлар Ўзбекистон ССР ва Узоқпартиянинг 50 йиллик олтин тўйи нишонланадиган йилда экинмаларига ҳар гектар майдондан 32 центнердан ҳосил олиш, 70 минг тонналик хирмон кўтаришдек юксак ражбурят олганлар. Бу йил рай-онда 15 минг гектар майдонда чигит гербицид билан экинлади. 4824 гектар майдонга туқиса чигит экинш мўлжалланмоқда. 250 гектар ерга эса қўшқаторлаб чигит ташланади.

Райондаги бир қатор хўжа-

ТАШВИШИ

СИГНАЛ

ликлар чигит экинш мавсумига ҳар томонлама пухта тайёргарлик қилиб қўйганлар. Ленин, барча хўжалиқларда экиншга тўла-тўқис тайёргарлик қилиб қўйилган, ҳамма нарсаяхши деб бўлмайдилар. Ҳозир даладарда 308 ўринга 250 та трактор ишлаб турибди. Ремонддан чиқарилган баъзи тракторлар ҳаёидан ишга яроқли эмаслиги аниқланмоқда. Айниқса Ленин номли, Те-

решова номли ва бошқа баъзи колхозларда трактор ремонтни сифатли ўтказилмаганини қўзғаш ташланмоқда. Экинш бошлангича қадар далага 60 минг тонна ўринга 50 минг тонна ўғит чиқарилган.

Энгельс номли, Қарл Маркс номли колхозларда ирригация шабоҳчаларини тартибга келтириш ҳали ҳам ниҳонсига етказилмаган. Энгельс номли колхозда чигит экинш билан бир

вақтда гербицид сепадиган 3 та аппарат етмайди. Бу колхозда 500 гектар ерга 90х20 схемасида чигит экинлиши керак. Бунинг учун 2 та сепалка етмайди.

Ленин номли колхозда сув келтирадиган Ёшлов арига меҳанизмлар ёрдамида тозаланиши керак эди. Ленин ариқ ҳам тозаланмай турибди. Шу сабабли колхозда чигит ивнатиш ҳам сув ташиб келтирилмоқда. Шунингдек, Калинин



МЕХНАТ ЮТУКЛАРИ-МИЗ — ЮБИЛЕЙГА

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган уч йили ичида фабрика-миз ишлаб чиқариш қуввати бир неча баравар ортди, маҳсулот сифати сезиларли даражада яхшиланди. Бундай юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишимизда социалистик мусобақанинг ошқорлиги ва таъсирчанлиги ҳал қилувчи роль ўйнади.

Социалистик мусобақани кенг йўлга қўйганлигимиз туфайли ҳар бир ишчининг ижодий фаоллиги ошди. Иш вақтидан самарали фойдаланиб меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таъинларини арзонлаштириш учун кураш анъанаси айланмоқда.

Фабрика-миз коллективи белгиланган йилги зарбдор меҳнат натижасини амалга оширишда жонини республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб соғиналар билан қўтиб олиш учун муқо-бала билан асосида меҳнат қилмоқда. Мақсадимиз белгиланган йилда пиланин 7 ноябргача тўза бажариб, пиланди ташқари 500 минг сўмлик кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш-дир. Муқобил пиланимиз бўйича эса тўққизинчи беш йилликни тўрт ярим йилда бажаришимиз керак.

Коллективимиз зиммага олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажариш учун айни кунларда социалистик мусобақани янада авж олдиришда ҳар бир исх, бригада коллектив ва ишчи ўзининг шахсий мажбуриятини эга. Мусобақа натижалари маҳсул асосларида, кўргазмалар диаграммаларида тез-тез ўзлаб қилиб борилади.

Социалистик мусобақа шартларининг мунтазам бажарилишида коммунистлар, комсомоллар, илгор ишчилар ташаббускор бўлишлари, С. Разборов, А. Адаманов, В. Корнев, М. Зиддуллаев, А. Ли, Е. Ким, Т. Умеренов, Н. Лутайлар мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

Б. ШОДИЕВ,

Қўйи Чирчиқ район тўқимачилик-талантиера фабрикаси директори.

ҚУРУВЧИЛАР ТОРТИГИ

Янгиёла районидagi «СА-МИС» посёлкаси кундан-кунга гузаллашиб бораётган. Янгиёла бу ерда юз кишига муҳалланган меҳмонхона фойдаланишга топширилди.

Шу кунларда посёлкада пахта териш машиналарини қайта текшириш лабораторияси биноси қуриш жадал суръатлар билан олиб борилаётган.

Ф. ҲАЛИМОВ.

АНГРЕНДАГИ МЕХНАТ ҚИ-ЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ

Комбинатда юбилей йили со-циалистик мусобақаси қизгин давом этмоқда. Корхонанинг марказий лабораториясида ол-ти йилдан бери меҳнат қи-лган катта инженер-тадқиқот-чи Ольга Бондареева мусобақа-да пешқадамлик қилмоқда. Су-ратда: О. Бондареева.

Т. Каримов фотоси.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

Оққўрғон районидagi илгор хўжаликлар фан ва таъриба ҳамкорлигида йилдан-йилга ян-ги ютуқларни қўлга киритмоқ-далар. Ишлаб чиқаришга илгор усулларининг жорий этилиши туфайли пахта ҳосилдорлиги ор-тиб бормоқда. Чирчиқ қўш-назорат экзи, ҳар гектар ерда 150—160 минг тулдан ортқ кўчат ўстириш—дастлаб ана шу районнинг хўжаликларига амалга оширилди. Бу янги усулнинг истиқболли эканлиги таърибада синаб кўрилди. Шу-нинг учун ҳам бу йил областни-миз ва республикамизда бир қи-рор хўжаликларда чигит ана шу усулда еклиди.

Районда чиқарилган «Мўл ҳосил учун» ва Ўзбекистон КП Жинзаҳ област Пахтакор рай-он комитети ва меҳнатшарлар депутатлари район Советининг ортида «Пахтакор» газетаси-нинг қўшма сонга ана шу маса-лага бағишланган.

Газетанинг биринчи саҳифа-сидagi «Меҳнат зафарларимиз

ГАЗЕТА ВА ИЛГОР ТАЖРИБА

— юбилейга» шакли остида берилган бошмақола ва хабар-ларда ҳар икки район пахта-корларининг бу йилги юксак мажбуриятлари, ана шу мажбу-рият бажариш учун қандай тадбирлар амалга оширила-гани хикоят қилинади.

Иккинчи ва учинчи саҳифа-ларда эса «Дўстлик—қардош-лик» шакли остида илгор хў-жаликларининг раҳбарлари, бри-гада бошлиқлари, партия ва со-вет ҳодимларининг мақолалари берилган. Бу мақолаларда бу йилги шариқта чигит экшни қандай ўтказиш, дала ишлари-ни ташкил этиш, оммавий-сиё-сий ишларини йўлга қўйиш со-ҳасидagi таърибабалар ўртоқла-шилади.

Оққўрғон районидagi Навоий номи колхозининг бош агроно-ми Э. Файзиев «Пахтачиларда НОТ» сарлавхали мақолада колхозда чигитни қўшқаторлаб эквиш усули қандай амалга оши-

рилганлиги, ҳозир бу соҳада амалга оширилаётган тадбир-лар ҳақида сўзлайди.

Пахтакор районидagi Хўрмат белгис ордени «Самарқанд» совхозининг директори Э. Хол-матовнинг «Юксалиш йўлида-миз» сарлавхали мақолада эса Мирзофудла жойлашган совхоз меҳнатчиларининг хў-жаликнинг комплекс ривожлани-ши соҳасидagi ишлари ҳақи-да гап боради.

Бундан ташқари саҳифалар-да Қўйи Чирчиқ районидagi «Москва» колхозидан М. То-жибоева, Оққўрғон районидagi «Ленинбод» колхозини партия ташкилотини секретари Ш. Гадо-йбоев ва бошқа илгорларнинг мақолалари берилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида фан ва илгорлар таърибасига оид қим-матли илгилликлар ҳақида сўз боради.

Ҳар икки редакция коллек-тивининг бу йилги таъаббу-си чиндан ҳам диққатга сазо-вор.

Дунё хабарлари

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИГА НОТАСИ

28 мартда Хитой Халқ Рес-публикасининг СССРдаги элчи-си Лю Синь-Цюанга СССР Ташқи ишлар министрлигининг қўйидаги нотаси топширилди.

СССР Ташқи ишлар минис-трлиги Хитой Халқ Республи-касининг СССРдаги элчихона-сига 15 мартдаги баёнотида ва СССР элчихонаси Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигига 23 мартдаги баё-нотида уч кишидан иборат элчи-лаш аъзоси бўлган 24 рақамли Совет чегара вертолётининг Хитой территориясига ноилох-лидан қўнганлигининг тафсил-лотларини маълум қилиб, Хитой маъмуриятдан экипажни ва вертолётни қайтариб бериш чо-раларини қўришни сўраган эди.

Бироқ, Хитой томонини ҳамма қабул қилган ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига эид тарада верто-

лётни ва унинг экипажини ҳа-мон ушлаб турибди. Бунинг устига, Хитой Халқ Республи-каси Ташқи ишлар министрли-гининг шу йил 23 мартдаги нотасидан қўрииб турганидан, Хитой томонини фактларини бўяиб кўрсатиб, Совет чегара верто-лётни қилмаган ва қилиш нияти-да ҳам бўлмаган ҳаракатларни қилди деб кўрсатишга уринмоқ-да. Хитой Халқ Республикаси нотасидagi даъволарга эид ўла-роқ вертолётда разведка олиб бориш учун ҳеч қандай аппа-ратлар йўқ эди.

СССР Ташқи ишлар минис-трлиги вертолёт Хитой терито-риясига атайлаб қўнганлиги ҳа-қидаги даъвоини қатъиян ра-қад этиб, шу йил 14 мартда ичда уч экипаж аъзоси бўлган 24 рақамли Совет чегара вер-толётни оғир насал ҳарбий хиз-

матчини шошилинч тарада ҳа-мон олиб бориш учун Ол-той ўзбасида Белешидан жа-нубқардаги районга парвоз қи-либ, мушкул метеорологик шарт-ларга тушиб қолди. Ўйлан-адашган ва ёилоти запасини сарфлаб бўлгач, ноилохлидан чегара яқинида ХХР терито-риясига қўнди, бунинг экипаж радио орқали ўз аэропортига хабар қилди.

Хитой томонининг Совет маъмуриятини Синьцзян участка-сига Хитойнинг чегара районла-рига бостириб кириш учун Со-вет самолётларини музтазам равишда қўрмоқдалар, деган даъволарни ҳам мутлақо асос-сиздир. Ҳақиқатда эса граждн авиациясининг «АН—2» рейс самолёти 1973 йил февралда йўлдан адашиб қолганлиги са-бабли ХХР нинг осмон бўли-

гига тасодифан учиб ўтганлиги-дан иборат аниқ бир ҳоқса со-либ бўлди, бу ҳақда СССРнинг чегара бакиллари йўли билан Хитой маъмуриятга хабар қи-лингн эди.

Хитой томонини ҳақиқий факт-ларини қасдан бўяиб кўрсатиб, Совет чегара вертолётининг но-илохлидан қўнганлигини фой-даланиб, мамлакатда СССРга душманчилик муҳитини авж ол-диришга ва Совет—Хитой му-носабатларини янада кескин-лаштиришга интилмоқда, деган таассурот вужудга келмоқда.

СССР Ташқи ишлар минис-трлиги ХХР Ташқи ишлар ми-нистрлигининг норозилигини ра-қад этиб, Хитой территорияси-га ноилохлидан ўтиб қолган Совет чегара вертолётини ва унинг уч кишилик экипажини дарҳол қайтариб беришни та-лаб қилади.

ВАРШАВА ШАРТНОМА-СИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР БИРЛАШ-ГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА

1974 йил 26-28 мартда Вен-грия Халқ Республикаси пой-тахти Вудапешт шаҳрида би-рилган қурулли кучлар бош қўмондонини, Совет Иттифоқи маршали И. И. Яковлевни ра-ислигида Варшава шартнома-сида қатнашувчи давлатлар би-рлашган қурулли кучлари ҳар-бий кенгашининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

Ҳарбий кенгашда бирилган қурулли кучлар фаолиятининг муваффақиятлари муҳофа-за қилини ва келишиб ол-ган тасвирлар қабул қилинди.

Ҳарбий кенгаш иши амалий, ўртоқлик вазиюта, кенгаш бар-ча қатнашчиларининг яқиндан ҳамкорлиги ва тўла ҳамжиҳат-лиги руҳида ўтди.

Иқтисодий ҳамкорлик кенгайверсин

ДИОССЕЛЬДОРФ, 28 март (ТАСС). Бу ерда «СССР билан ГФР ўртасида иқтисодий ҳам-корлик» деган мавзуда берил-ган телевизион кўрсатув Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасида савдо-саноат алоқаларини рив-ожлантириш масалаларига ба-ғишланди.

Диоссельдорфда Совет савдо-саноати виставкаси очилганли-ги муносабати билан ўтказилган бу кўрсатувда СССРнинг ГФР-даги элчиси В. М. Фалин, Гар-бий Германия экономикаси шар-қий комитетининг раиси О.

Вольф Фон Амеронген, Гарбий Германиядаги «Маннхейм ат» металлургия концерни правле-нсининг раиси Э. Овербек қатнашдилар.

Сўзга чиққанлар КПСС Мар-казий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити Совет—Гарбий Германия иқтисодий муносаба-тларини ривожлантиришга ахши таъсир ўтказганлигини, шунинг-дек ана шу муносабатлар кенг имкониятлари ва истиқболлари мавжудлигини таъкидлаб ўтди-лар.

ТУГИЛГАН КУНИГА 250 ЙИЛ ТУЛИШИ БИЛАН

БЕРЛИН, 28 март (ТАСС). Гумбольдт номидаги Берлин университетидеги машҳур немис философи Иммануил Кант ту-гилган кунининг 250 йиллигига юлловкум бағишланди. Коло-квиумда Германия Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи, Польша ва Чехослования олим-лари иштирок этиди. Колокви-умда очилган бир туркум ил-мий конференциялар мутафак-кир хотирасига бағишланди. Унинг қатнашчилари Кантнинг илмий мероси ҳозирги босқич-даги маърифатий курашда қан-дай аҳамиятга эга эканлигини муҳофаза қилдилар.

Кантга бағишланган энг кат-та воқеа — халқаро симпози-ум 28—29 мартда Берлинда ўтказилди.

В. БРАНДТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БОНН, 28 март (ТАСС). ГФР канцлери В. Брандт «Вестфалини Рундшау» газе-тасининг муҳбири билан сўхбат қилиб, Совет Иттифоқи билан Гарбий Германия ўртасидagi му-носабатларнинг ривожига иксо-бий баҳо берди. У, ишлар олға силжиганлиги ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасида аяқол му-ваффақиятларга эришилганли-гини таъкидлаб ўтди.

В. Брандт Курск райониди металлургия комбинатини қу-ришда Гарбий Германиянинг бир қанча фирмалари иштирок этишини назарда тутган битим-нинг Москвада имзоланганлиги-ни мана шундай муваффақият-лардан бири деб атади.

ИҲЛАРДАГИ ҚУРБОНЛАР

БОНН, 28 март (ТАСС). Германия Федератив Республи-касининг автомобиль йўлари-да бу йил январь ойи мобай-нида 957 киши ҳалок бўлди. Шу вақтнинг ўзида йўл фа-локатлари ва авариялар нати-жасида 28 минг киши жароҳат-ланди.

ДИЛ САТРЛАРИ

Бу шифохона адресига ҳар кунин республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан қар-дош республикалардан миннат-дорчилик мактублари келиб ту-ради. Бу дил сатрларини бир вақтлар мана шу ерда, меҳри-бон шифокорлар қўлида дардга даво топан кишилар экзиб юборишди.

Бош врач кўни неча келган мактубларни кўрсатди. Булар-ни истефодаги майор тош-кентлик Т. Ленский, юқори-чирчиқлик И. Бурханов, анди-жонлик А. Имомов, гулистонлик Э. Мамуров, жинзаҳлик Т. Ис-ев, сирдарёлик Ж. Агибонлар ёзишган. Улар ўз мактубларида меҳрибон шифокорлар коллек-тивига миннатдорчилик билди-ришган, олжанаб ишларида муваффақият тилашган.

«Салом, ҳурматли Ўктам ана,— деб ёзади оққўрғонлик Аҳмад Иброҳимов,— мен си-зининг яхшилигини ўзини умр бўйи унутмайман. Касалхонага бор-ган кесларим билан ҳозирги ҳолатимни кўз олдимга келтир-сам, беҳайирий кўз ўнгимда на-моён бўласиз. Агар йўлингиза тушиб, Оққўрғонга келгудек бўлсангиз, бизнинг албатта кириш. Ишнингизда ривож ти-лаб қолувчи Аҳмад Иброҳи-мов».

Хирургия бўлими мудир, таърибали жарроҳ Ўктам Ис-моилов бундай миннатдорчилик мактубларини тез-тез олиб ту-ради. Ҳар бир шифокор учун беморни даволаб, ундан «рах-мат, доктор» деган сўзин эши-тишдан ҳам ортнроқ мукофот бормикан! Шунда у ўлим бил-лан олишган оиларини, дардга даво топан, деб бедор ўтказ-ган тулиларини унутмайди.

У. Исмоилов неча юзлаб бе-морлар дардига даво топан таърибали, ширинсўхан, меҳри-бон шифокорлардир. У оқ хал-лат киёндан бери 3000 дан зиёд операция қилди. Бу опе-рациялар хил қандай бўлини-дан қатъий назар, Ўктам ака ҳаммасига бир ҳилда масъули-

ят билан қаради, операциялар-ни катта-кичikka ажратмайди. Бу ерда Ўктам Исмоиловга ўхшаш меҳри даре, қўли ел-тил шифокорлар кўп. Арслон Эшонхўжаев, Маргарита Алек-сандровна Суворова, Эмма Марковна Петроян ана шундай врачлардандир. Бу аҳил кол-

лектив бош врач Носир Азизов, раҳбарлигида медицина фани, янгиликларидан фойдаланиб, замонавий аппаратлар қўмағи-га беморларни даволамоқда. Хирургия, урология, гинеколо-гия ва бошқа бўлимлардаги ла-бораторияларнинг ўзида бемор-га диагноз қўйилади, сўнг ло-



Суратда: шифохонанинг бош врач Н. Азизов (чапдан иккинчи) бир группа ҳамкасблари билан.

ним бўлган қоринга ёқизилди.

Бу шифохонада шаҳарда би-ринчи бўлиб ПАСК усулида, шунингдек, маҳсул хонада ҳаво-га дори қўшиб, ҳаво босими билан нафас олдириш усули қўлланди. Республикда хизмат кўрсатган врач, «Соғлиқни сақ-лаш аълочили», ташаббускор Н. Азизов мана ўн йилдирки, шаҳар касалхонасига бош-чилик қилиб келмоқда. Ай-ни вақтда Собир Раҳимов рай-он партия комитети аъзоси. У республика илмий фтизиатрлар жамаиоти, ва сил касалликлари илмий текшириш институтини ил-мий Совети аъзолари ҳамдир. Район Советига бир неча марта депутат қилиб сайланган.

Коллективимизнинг мақ-сади битта: касалхонамизга кел-ган беморнинг дардига даво то-пиш. Бу йўлда 76 малакали врач, 260 дан зиёд ҳамшира бор билан ва таърибасини ни-га солмоқда. Биз, врачлар би-рини сўз, ҳушмуомиллик бў-лиш ҳам даво эканлигини яхши биламиз.

Қоринларни айланар экан-сиз, ҳаммаё саранжом-сарипта эканлигини кўрасиз. Ҳар бир этакдаги фойеда гуллар, ку-катлар ўстирилган, телевизор қўйилган. Баҳор келиши билан коллектив аъзолари касалхона ҳолисинида бонин янада кен-гайитирилган, ёш нихоллар, гул кўчатлари ўтказилган. Жамоат-чилик асосида ҳар бир қорус-карисинида фонти қўрилган. Бу ер бамисоли кичик бир бо-ғин эсватлади.

Беморлар билан суҳбатда бўлиш. Уларнинг қайси бири билан гаплашманг, ҳаммаси шифокорлар ҳақида самимий дил сўзларини айтишди.

Аҳил вайинок коллективнинг ишига ривож тилаб қайтаётган-лигида радиоканаридан майин куй тарқалди: «Мен сиздан да-во топиш, жонга-жон шифо-корлар...».

Ш. УМУРЗОҚОВ.

„БАҲОР ҚАЙТМАЙДИ“

Яқинда Ўзбекистон телевиде-нисининг «Ешлик» студияси қўшмадаги «Романтика» телеви-зион театри томонидан таъер-ланган постановка намойиш этилди. Унда илк севгини ар-доқлаш, ҳақиқий салвот ва санъаткорларни улуғлаш, енгил ҳаёт кечирувчи шахсларни фои қилиш ғояси илгари сурв-лади.

Ассосий ролларни таниқли актёрлардан Лутфулла Саъду-лаев, Гулҳебра Саъдуллаева, Рустам Афзалов, Манзура Ҳа-мидовлар икро этишган.

Асардаги Алимардон образи ўзбек адабиётида яратилган мураккаб — образлар занжир-ининг халқаси эканлигини актёр ўзига ҳос маҳорат билан кўрс-атиб берган. Унинг характери эид-диатилди. Бир томондан ис-теъдодли, ҳатти-ҳаракатларида қатъийлик, бир мақсад сари интилиш сезилади. Иккинчи томондан эса унинг қалбига худбинлик, мол-дунёга хирс қў-йиш сингари иллатлар ниш ураётган бўлади. У ўз дўсти Анаварга хизнат қилади. Унинг севгилис Муҳаддамга уйланар экан, виждонан қийналиш у ёқ-да турсин Анаварни ҳабилга ҳам келтирмайди.

Артист Лутфулла Саъдулла-ев бор маҳоратини ишга солиб, Алимардон образини жуذا ҳа-ёт тарзда тақдир этишга ин-

тилади. Тошбабин Алимардон-га бир томондан яъни ўз усти-да ишламай қўйганига ачина, иккинчи томондан истеъдодли ҳар қилиш, софлик, одамгар-чилигини, илмий бурчни то-патаганини қўриб ундан нафрат-ланади.

Гульҳебра Саъдуллаева Му-қаддам ролини ўйнар экан, Алимардоннинг қандай киши эканлиги билан ҳисоблашмаган ва шу тариқа бахт деб ўйла-ган нарсаси рўё бўлиб чиққан аёл образини яхши икро эта олган. Муқаддам ўз эрининг худбинлигини тушуниб етгагчи-на қадр-қиммати учун исён қи-ларади. У ҳаётда янгилашган аёл тақдирини усталлик билан тақдир этади.

Умуман олганда постановка ҳаётини воқеалар билан суго-рилган, катта меҳнат, қанчадан-қанча машаққатлар аёзига юзга келганлиги сезилиб ту-рибди. Шунинг учун ҳам томо-шабинлар уни айни вақтда саҳ-надаштирилган асар сифатида кўтиб олдилар.

Телевизион спектаклнинг ҳа-ётини чиқишда режиссёр Мир-аббос Мирзаахмедов, оператор-лардан Ҳамидулло Ҳолматов, Илёс Шоиноятлов, Тўлқин Қу-рбанов, Абдусамид Абдусаломов-ларнинг хизматлари каттадир.

Ж. МАМАТОВ.

ҲАЙЛОВ БАҲОДИРЛАРИ

2-«Оҳангарон» совхозида ажойиб чорвадорлар кўп. Улар чорва маҳсулдорлигини янада ошириб, қўлаб қўзи олишга эришмоқдалар. Ака-ука Эргаш ва Шароф Ҳусанов совхозда пешқадам ҷўпонлардан. Улар бу йил ҳар 100 совиқдан 110 тадан қўзи, ҳар бош қўздан эса 3,5 килограммга етказиб жуви олишга аҳд қилганлар.

Абдулаббор Мамедов бошчи-лик қилаётган қўйчилик брига-даси коллективи ҳам ахши ки-

ҳат билан астойдил ишламоқда. Ҳозир бригадда 5000 бошдан ортқ қўй боқилмоқда. Ҳар 100 бош совиқдан планадан 10 —15 та қўй қўзи олиш мўл-жалланмоқда.

Ҳайлов баҳодирлари Ўзбеки-стон ССР ва Ўзкомпартиянинг 50 йиллик туғилиш муносиб меҳ-нат соғиналар билан қўтиб олиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

